

БУГУН — УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҚАШАРИ КУНИ



Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСII,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ГАЗЕТА

#11 (2097) | ШАНБА, 18 МАРТ 2023 ЙИЛ

WWW.XOLISNAZAR.UZ

@XOLIS_NAZAR

@XOLISNAZAR

«ҚАР КУНИНГ НАВРЎЗ БЎЛСИН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!»



«НАВРЎЗ СЕШАНБАДА КИРСА, ШОДЛИК КЎП, ТАОМЛАР МЎЛ БЎЛГАЙ...»

16-
саҳифада.



22 МАРТ — МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

2-
саҳифада.

НАВРҮЗ ВА МАҲАЛЛА — ҲАМОҲАНГ ТУШУНЧА

«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган эзгу тамойил бугун барча даражадаги идора ва ташкилотлар учун дастуруламалга айланди. Халқимизни жипслаштирадиган, бирлаштирадиган маскан эса маҳалладир. Шу боис Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларга ташрифи давомида бевосита маҳаллаларга бориб, аҳоли билан учрашиб, ислохотлар самараси бу ерда ўз аксини топиши, ҳар бир ишнинг натижаси, мезони маҳалладаги одамларнинг розилигида эканига алоҳида урғу бермоқда.



Хозир барча давлат ташкилотлари ўз ишини «маҳаллабай», «хонадонбай», «фуқаробай» тизим асосида йўлга қўйиши қатъий талабга айланди. Эндиликда маҳалла самарали жамоатчилик назоратини олиб борувчи тузилма саналади. Бугун янги Ўзбекистон маҳаллаларининг ташқи манзараси ҳам, ички шакл-шамойили, одамлар дунёқарашини ҳам тубдан ўзгарган — фаровонлик, ободлик, улуғворлик касб этган.

2020 йил 2 мартда қабул қилинган «Маҳалла тизими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, мамлакатимизда ҳар йили **22 март — Маҳалла тизими ходимлари кунини** сифатида кенг нишонланади. Айтиш керакки, сўнгги икки-уч йил ичида мазкур тизимда амалга оширилган ишларга назар ташласак, одамлар розилиги, инсон қадрини, ободлик ва ҳамжиҳатлик борасида салмоқли ютуқларга эришилганига гувоҳ бўламиз.

МАҲАЛЛА — МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Авваллари одамлар оддий кундалик ташвишлар бўйича ҳам ҳокимлик ёки юқори турувчи ташкилотларга мурожаат қиларди. «Номи улуг — супраси қуруқ», деганларидек, маҳалла амалда ҳеч қандай ваколатга эга эмас эди — на муаммони ўзи ҳал эта оларди, на ҳокимлик олдида масалани аниқ ва кўндаланг қўя оларди.

Бугун вазият ўзгарди: энди барча масала маҳалланинг ўзида ечим топишига урғу берилмоқда. Халқ қабулхоналари, барча ташкилотлар маҳалла даражасига таъминлаш, муаммонинг ечимини жойида ҳал этиш чораларини кўрмоқда. Умуман олганда, халқ билан самарали мулоқот йўлга қўйилди, одамлар дардини эшитадиган тизим яратилди.

Энг муҳими, Президентнинг ўзи маҳаллаларга кириб, одамлар билан суҳбатлашиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш, орзу-истакларини эшитиш тизимини йўлга қўйди. Шавкат Мирзиёев қайси вилоятга бормасин, албатта, маҳаллага киради, мактаб, боғчани кўради, оддий одамлар ҳаёти билан қизиқади. Натижада аҳоли давлат раҳбарининг жойларга ташрифини интиқ кутадиган бўлди. Бу ислохотлар мазмундорлигига ишонч бағишламоқда.

МАҲАЛЛА — ОБОДЛИК ТИМСОЛИ

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари узоқ-яқин маҳаллалардаги одамлар ҳаётига мазмун олиб кирди. Яқин йилларгача кун тартибига айланган одатлар — бир кунда бир-икки соат келадиган электр токини интиқ кутиш, ой шуъласи ёки шам ёруғида дарс тайёрлаш билан боғлиқ ҳолатлар ўтмишга айланди. Шундай бўлдики, қишлоқларда одамлар газ баллонини нима эканини унутиб қўйди. Бугун олис тоғ қишлоқлар аҳолиси ҳам газ ёқа бошлади. Одамларда «бўлар экан-ку», деган миннатдорлик ҳисси уйғонди.

Қишлоқ одамларининг яшаш шароити замонавийлашди. Ўтин ёраман, деб қўл қабарган замоналар ортда қолди. Қишлоқ уйларида ҳам замонавий иситгичлар, музлатгичлар ишлай бошлади. Қолаверса, одамларнинг оёғи қишда лойдан, ёзда чангдан халос бўлди. Дастурлар асосида минг-минглаб километр маҳалла кўча-

лари асфальт қилинди, бетон ётқизиблиб, шағал тўкилди. Эндиликда равон йўллар узоқни яқин, оғирни енгил қилмоқда, илгари соатлаб вақт оладиган манзиллар бир қадам бўлиб қолди.

Биргина ўтган йили 413 та маҳаллада «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари асосида қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, 245 та мактаб, 127 та мактабгача таълим ташкилоти, 124 та тиббиёт муассасаси фойдаланишига топширилди. 2 793 километр электр узатиш тармоқлари тортилди, 1 110 та трансформатор пункти янгиланди. 147 та маҳалла биноси, 58 та маҳалла гузарига қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Фақат бугина эмас. Турли дастурлар, маҳаллий ҳокимликлар ташаббуси билан яна 834 та маҳалла бинолари қурилди, 114 таси реконструкция қилинди, 694 таси жорий, 209 таси капитал таъмирланди, 598 тасида қурилиш ишлари якунланиш арафасида.

МАҲАЛЛА — БАНДЛИК МАРКАЗИ

Одамларни маҳалланинг ўзида ишли қилиш, бандлигини таъминлаш чоралари кўрилди. Маҳалладаги ҳар бир фуқаронинг ҳолатини аниқ ўрганишда «маҳаллабай», «хонадонбай», «фуқаробай» ишлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, хотин-қизлар ва ёшларга мақсадли ёрдам кўрсатишда «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»нинг йўлга қўйилиши муҳим қадам бўлди.

Биргина ўтган йили маҳалла фаоллари кўмагида 53 092 нафар фуқарога субсидия ажратиш, 1 миллион 164 минг нафарини ишга жойлаштириш, 157 890 нафарини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш, 997 122 нафарининг ўзини ўзи банд қилишида кўмаклашилди. Маҳаллаларда йўлга қўйилган хизмат кўрсатиш соҳаларида 75 312 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Қолаверса, 388 162 нафар фуқарога имтиёзли кредитлар ажратилиб, 195 122 нафар ишсиз аҳоли тадбиркорлик ва касб-хунарга ўқитилди.

Энг муҳими, маҳалла ходимларининг уйма-уй юриб, одамларимизнинг ҳаётини муаммоларини ўрганаётгани, уларнинг турмуш таъминлари ва қувончларига шерик бўлиб, дардини тинглаётгани, муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашаётгани аҳолининг бу тузилмага бўлган ишончини янада оширди.

МАҲАЛЛА — БИРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК РАМЗИ

Энди қайсидир маҳалладаги муаммони ҳокимлик ҳал этиб беришини кутиш шарт бўлмади, одамларнинг ўзлари ташаббус кўрсатиб, буни бартараф этиши мумкин. Бунга ўтган йили Ўзбекистондаги маҳаллаларнинг 98 фоизини қамраб олган «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси замин яратади. Жорий йилда фуқаролар танлаган лойиҳалар учун ўтган йилгидан 3,5 баробар кўп — 8 триллион сўм маблағ ажратилди. Энг муҳими, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига нималарни киритишни ҳам эндиликда фуқароларнинг ўзлари ҳал қилади.

Яна бир фикр: авваллари маҳалланинг ўз маблағига эга эмаслиги раисларни қийнаб келарди. Ўзида маблағ бўлмагани боис маҳалла ё давлат дастурларига кўз тикар, ё бирор сахий тадбиркор кўлига қараб қоларди. Эндиликда ҳар бир маҳалланинг ўз бюджети бўлади. 2023 йилдан «Маҳалла бюджети» тизими жорий этилиб, аҳолининг мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг 10 фоизи маҳаллаларда қолдирилиши белгиланди. Бу орқали эндиликда маҳалла даражасидаги ҳар қандай муаммо шу жойнинг ўзида ҳал этилади.

МАҲАЛЛА — МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

Бугун туман ва шаҳар марказидаги маҳаллалар билан бир қаторда чекка ҳудудлардаги йиғинларда ҳам кутубхоналар ташкил этилди. «Ҳар бир маҳаллага китоб» лойиҳаси йўлга қўйилиб, 9 406 та маҳалланинг барчасига турли номдаги адабиётлар етказиб берилмоқда. Натижада маҳаллаларда китобхоналар сони кўпайди.

«Бир нуруний ўн ёшга масъул» тамойили асосида 154 мингдан зиёд тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож ёшларни соғлом турмуш тарзига қайтариш мақсадида нурунийлар бириктирилди. Фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи 2 964 нафар ота-она соғломлаштирилди. «Буви-жонлар мактаби» томонидан 7 мингдан ортиқ ёш оилалар ўртасида ажралишларнинг олди олинди. Маҳаллаларда маънавият, маърифат ишлари жонланди.

Умуман олганда, юқоридагилар маҳалла тизимидаги ислохотларнинг айримлари, холос. Энг муҳими, соҳада ўзига хос яхлит тизим — йиғин раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспекторидан иборат «бешлик» фаолияти йўлга қўйилгани барча мақсад-вазифаларни, янгиланишларни энг қуий бўғингача амалга ошириш имконини яратди. Маҳаллаларнинг «фаол модели», «ўсиш нуқталари» белгиланиб, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, иш билан таъминлаш асосий устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Тараққиёт стратегияси маҳаллалардан бошланди. Бугунги кунда мамлакатимизда 9 406 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. Бу шунча тараққиёт маскани бор, дегани. Ўйлаб кўринг, ҳар бир маҳалла бир йилда жамият ҳаёти, фуқаролар турмуш фаровонлиги йўлида биттадан ташаббусни амалга оширсан, Ўзбекистонда бир йилда қарийб 10 мингта янгилик бўй кўрсатади. Энди уларни умумлаштириб, ҳамма маҳаллаларга жорий қилаверсан, бошимиз яхшиликлардан чиқмай қолади. Мана, нима учун Президент маҳаллаларни ривожлантиришга кенг йўл очмоқда?!

2020 йил 2 мартда қабул қилинган «Маҳалла тизими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун бу йўналишдаги ишлар ривожини янги босқичга кўтарди. Ҳар йили 22 март — Маҳалла тизими ходимлари кунини сифатида нишонланмоқда. Бу сана Наврўз байрами шодиёналарига улашиб кетишида катта рамзий маъно бор, албатта. Зеро, Наврўз ва маҳалла фалсафаси ажодларимизнинг кишилик жамияти ривожига қўшган бекиёс улушини намоян этади.

МУАММОЛИ ЁШЛАР ФАОЛ НУРОНИЙЛАР ЭЪТИБОРИДА

**НУРОНИЙЛАР — ЖАМИЯТНИНГ
ИШОНЧЛИ УСТУНЛАРИДИР. УЛАР
ЎТМИШ, БУГУН ҲАМДА КЕЛАЖАКНИ
БИР-БИРИГА БОҒЛАБ ТУРУВЧИ РИШТА**



Халқимизда «Қариси бор уйнинг париси бор», «Қари билганни пари билмас» каби ҳикматли иборалар мавжуд. Бу нақллар ҳаётимизда ўз исботини топган. Аслида ҳам, бутун умр давомида меҳнат қилиб, фарзандларини тарбиялаб, Ватаним деб яшаётган ҳар бир инсон кексайган кунда хурмат-иззат кўришга ва эъзозланишга муносибдир. Бундай эҳтиром бизга боқий кадрият саналади.

Юртимизда нуронийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғлиғини мунтазам назорат қилиб бориш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мисол учун, ўтган йили 965 минг нафар нуроний бепул тиббий кўрикдан ўтказилди, 23 минг нафари бепул дори-дармон ва озик-овқат билан таъминланди. 21 мингдан зиёд нуроний сиҳаттоҳларда соғломлаштирилган бўлса, 19 минг нафарига реабилитация воситалари берилди. 11 минг нафар кекса авлод вакилига турли моддий ёрдамлар кўрсатилган бўлса, 1 миллион нафардан ортигининг мамлакатимиз бўйлаб саёҳатлари ташкил этилди.

Шу билан бирга, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган нуронийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар тарбияси, оилаларни мустаҳкамлаш ишларида фойдаланиш мумкин. Мисол учун, ўтган йили уларнинг саъй-ҳаракати билан 155 минг нафарга яқин профилактик ҳисобда турган ёшлар соғлом турмуш тарзига қайтарилди, 22 мингдан ортиқ оилавий ажралишларнинг олди олинди, 3 мингдан зиёд нотинч оилалар яраштирилди.

ОИЛАЛАР НУРОНИЙЛАР НАЗОРАТИДА БЎЛАДИ

Юқоридагилар шунчаки оддий рақамлар эмас. Ҳар бирининг тахли-

лига эътибор берилса, унинг замирида қанчадан-қанча меҳнат, матонат, фидойилик ётганини кўриш мумкин. Бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида 2023 йил 11 март санасида «Кекса авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, вилоят ҳокимлари «Нуроний» жамғармаси ҳудудий бўлимлари **Васийлик кенгаши** раиси, маҳалла фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси «**Кексалар маслаҳати**» гуруҳининг раиси этиб белгиланди.

2023 йил 1 апрелдан «Нуроний» жамғармасига давлат субсидиясини ажратиш тизими жорий этилади. «**Бир нуроний ўн ёшга масъул**» тамойилига мувофиқ, **ҳар бир маҳалладаги фаол нуронийлар ёшларга** бириктирилади. Бунда маҳалладаги ёшлар етакчилари «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари билан биргаликда шакллантирилган рўйхатлар асосида **ўн нафар уюшмаган ва муаммоли ёшлар** нуронийларга бириктириб чиқилади.

Бой ҳаётий тажрибага эга зиёли, хунарманд, тадбиркор, фермер ва бошқа соҳа вакиллари бўлган нуронийлар ҳудудлардаги **барча таълим муассасаларига** бириктирилади.

«**Нуроний ҳар бир оилага масъул**» лойиҳаси асосида муаммоли оилаларнинг ҳар бирига «Кексалар маслаҳати» гуруҳларининг бир нафардан аъзолари бириктирилади.

БЕМИННАТ ХУЗОМАТ РАҒБАТГА МУНОСИБ

«Бир нуроний ўн ёшга масъул» тамойили ҳамда «Нуроний ҳар бир оилага масъул» лойиҳаси асосида фаолият олиб борган ва ижобий натижаларга эришган нуронийларни «Нуроний» жамғармаси маблағлари ҳисобидан **рағбатлантириб бориш тизими** жорий этилади. Белгиландики, маҳаллаларда фаолият юритаётган «Кексалар маслаҳати» гуруҳи раҳбарлари ҳар чоракда **БХМнинг икки баравари (600 минг сўм)** миқдоридан рағбатлантирилади.

Айтиш керакки, қарорга мувофиқ, нуронийларнинг **жамоатчилик назоратини** амалга оширишдаги фаоллиги қўллаб-қувватланади.

Нуронийлар — жамиятнинг ишончли устунларидир. Улар ўтмиш, бугун ҳамда келажакни бир-бирига боғлаб турувчи ришта. Отахону онахонларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши учун шарт-шароит яратиш, бир томондан, ана шу салоҳиятнинг жамият учун фойдали ишларга йўналтиришга хизмат қилса, бошқа жиҳатдан уларга ўз қобилиятларини ишга солиш ҳамда одамлар учун керакли эканини ҳис этиб, тўлақонли турмуш кечирिशларига имконият яратади. Юқоридаги Президент қарори аини шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

М.ИБРОҲИМОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Ёшлар мусобақада ўзаро беллашишди



Жисми ва руҳи соғлом бўлган одамгина том маънода ўзини бахтли ҳис эта олади. Негаки, инсон учун энг катта бахт ва бойлик унинг саломатлигидир.

Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида Наврўз байрами муносабати билан маҳалла ёшлари ўртасида спортнинг шахмат, волейбол тури бўйича мусобақа ўтказилди. Унда ўз қобилиятларини синаб кўриш истагида бўлган ёшлар ўзаро баҳс олиб боришди.

— *Байрам арафасида ташкил этилган ушбу мусобақада маҳалламиздаги ёшлар иштирок этиб ғолибликни қўлга киритди, — дейди*

Мирза Улуғбек номли маҳалла раиси Самад Ҳайитов. — Ушбу мусобақа ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва бўш вақтларини самарали ўтказиш мақсадида ташкил этилди. Ўйлайманки, бу каби спорт мусобақалари ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқишини янада оширади.

Мурасасиз кечган ушбу мусобақада шаҳардаги маҳаллалардан келган ёшлар ғолибликни қўлга киритиб, университетнинг махсус дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

30 АПРЕЛЬ — УМУМХАЛҚ

РЕФЕРЕНДУМ БЮЛЛЕТЕНИДА: «СИЗ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИНИ ҚАБУЛ

Олий Мажлис Сенати «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича умумхалқ референдумини — 30 апрель, якшанба куни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Аввалроқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мазкур қонунни қабул қилган ва Конституциявий суд хужжатни референдумга қўйиш Конституцияга мувофиқ, деб ҳисоблаганди.



РЕФЕРЕНДУМ НИМА?

Референдум — Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидир. Мазкур жараён сайловлар билан бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодасидир.

Референдумни ўтказиш ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Олий Мажлис палаталари, Президент чиқиши мумкин. Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади. Агар референдумда қабул қилинган қарорларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Референдум фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини умумий, тенг ва тўғридан-тўғри билдириши

асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. **Унда иштирок этиши ихтиёрий ва эркиндир.** Ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлади. Референдум ўтказиладиган кунга қадар ёки референдум кунига ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бунда республика ҳудудидан ташқарида истиқомат қилаётган ёки турган Ўзбекистон фуқароси иштирок этишга тўла ҳақлидир.

РЕФЕРЕНДУМ ОКРУГЛАРИ ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

Референдум округлари Марказий сайлов комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегараларида тузилади. Округларнинг референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сони ва референдум ўтказувчи округ комиссиялари жойлашган ер

кўрсатилган рўйхатлари референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин **кечи билан беш кун ичида** Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинади.

Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда сиёсий партиялардан, **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан**, фуқаролар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Кузатувчилар округ ва участка комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг боришини кузатиш, овозларни санаб чиқиш иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур референдум участкаси ҳудудидан доимий

ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган Ўзбекистон фуқаролари овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилади. Рўйхатга овоз берувчи ҳар бир фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва тураржой манзили кўрсатилади.

ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари **Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхати** асосида тузилади. Овоз бериш референдум кунини **соат 8:00 дан 20:00 гача** ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка комиссияси референдум ўтказиладиган кунга камида ўн кун қолганда фуқароларни хабардор қилади.

Референдумда бюллетен овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Бу жараёнда овоз

Ҳар қандай ноаниқлик фуқаролар

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»га қонун лойиҳасида фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор модалар таклиф этилмоқда.

Мисол учун, 20-моддага кўра: «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳамда давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир.

Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб кўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеklang қўйишга ҳеч қим ҳақли эмас.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди.

Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага

келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади.

МОҲИЯТИ:

Ҳар бир давлат ўз фуқаролари билан муносабатга киришар экан, алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Яъни, давлат ҳам, фуқаро ҳам ўзига хос ҳуқуқларга ва мажбуриятларга эга. Масалан, давлат фуқаролар учун хавфсизлик, фаровонлик, тинчлик ва яхши ҳаёт кечириш учун шарт-шароитлар яратиб бериш каби мажбуриятларга эга бўлса, фуқаролар қонунларга бўйсунуш, бурч ва мажбуриятларни бажариш каби масъулиятни ўз зиммасига олади.

Янги Конституцияда ушбу принциплар алоҳида белгиланяпти. Бунда асосий урғу инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилмоқда, шу жумладан, қонунлар инсонлар оғирини енгил қилиб, турмуш тарзини яхши кечишини таъминланиши лозим. Бу нима дегани?

Масалан, давлат органлари

томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланади, дейилапти. Яъни бунда ҳам жазолаш ёки бошқа таъсир кўрсатишнинг чегараси инсонийликка бориб тақалади.

Айтайлик, шахс тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи, лекин у давлат рўйхатидан ўтиш босқичларини қилмасдан ёки рухсат берувчи ҳужжатларни олмасдан иш бошлади. Бундай ҳолат учун яқин йилларгача унинг фаолияти тугатилган ёки тўхтатиб қўйилган. Бироқ бугунги кунда унга ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик тушунтирилади, рухсат берувчи ёки лицензия ҳужжатини олиш учун муайян вақт берилади. Бундан кўзланган мақсад ҳам қонун устуворлигини таъминлаш, ҳам битта тадбиркорни сақлаб қолиш. Мана шу мутаносиблик принципи, мана шу мақсадга эришиш учун етарли бўлган чора ҳисобланади.

Яна бир мисол. Фуқаронинг ипотека кредитидан **3 миллион сўмлик**

уч ойлик қарзи бор. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, банк қарздорни судга беради. Лекин, бу масалада даъво аризаси 3 миллион сўм, яъни реал қарз бўйича эмас, балки кредитнинг тўланмаган қисмига, дейлик, **250 миллион сўмга** нисбатан берилади. Суд аризани кўриб чиқиб, қарздордан 10 миллион сўмдан ортиқ давлат божи ундириш ва шартномани бекор қилиш бўйича қарор қабул қилади. **3 миллион сўмни тўлай олмаган фуқаро 10 миллион давлат божини қандай тўлайди?** Бу мисолдан кўриш мумкинки, суд қўллаган ҳуқуқий таъсир чораси мақсадга эришиш учун етарли ва мутаносиб эмас.

Шу нуқтаи назардан, ушбу қоида давлат идораларининг ўз вазифаларини инсон ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда амалга оширишга ҳамда инсонга қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари кўзланган қонуний мақсадга эришиш учун мос ва етарли бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

«КОНСТИТУЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИЛАСИЗМИ?» ДЕГАН САВОЛ БЎЛАДИ



30 апрель санасида ўтказиладиган референдум Ўзбекистон тарихидаги бешинчи шундай жараён саналади. Мамлакатимиздаги дастлабки референдум ҳали республика мустақилликка эришмаган даврда ўтказилган. 1991 йил 17 март куни бўлиб ўтган умумхалқ овоз бериши нафақат Ўзбекистон учун, балки у бир қисми бўлган СССР учун ҳам тарихда биринчиси эди.

берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Бюллетенни мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган фуқаро ўз хошияга кўра, референдум ўтказувчи комиссия таркибига кирадиган шахслардан, кузатувчилардан бошқа бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақлидир.

Фуқаролар референдумга қўйилган масалага қарши овоз берадиган бўлса, масала таърифи матнини ўчиради ёки масалани ёқлаб овоз берадиган бўлса, уни ўчирмайди. Тўлдирилган бюллетенни фуқаро овоз бериш кутисига ташлайди. Овоз бериш қутилари референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзоларига ҳамда кузатувчиларга кўриниб туриши керак.

**НЕЧА МАРТА
РЕФЕРЕНДУМ
ЎТКАЗИЛГАН?**

Айтиш керакки, 30 апрель санасида ўтказиладиган референдум Ўзбекистон тарихидаги бешинчи шундай жараён саналади. Мамлакатимиздаги дастлабки референдум ҳали республика мустақилликка эришмаган даврда ўтказилган. 1991 йил 17 март куни бўлиб ўтган умумхалқ овоз бериши нафақат Ўзбекистон учун, балки у бир қисми бўлган СССР учун ҳам тарихда биринчиси эди.

1991 йил 29 декабрь куни «Сиз Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинганини қўллаб-қувватлайсизми?» деган савол билан референдум ўтказилган. Мазкур референдум мамлакат тарихидаги муқобиллик асосида ўтказилган биринчи умумхалқ Президент сайлови билан бир вақтда ўтказилган. Расмий маълумотларга кўра, мазкур референдумда қатнашган

салкам 10 миллион ўзбекистонликнинг 98,26 фоизи мустақилликни қўллаб-қувватлаб овоз берган.

1995 йил 26 март куни давлат раҳбарининг ваколат муддатини 2000 йилгача узайтириш масаласида навбатдаги референдум ўтказилган. Унда қатнашган 11,24 миллион сайловчининг 99,6 фоизи ўзгаришларни маъқуллаган. 2002 йил 27 январь куни ўтказилган референдумга иккита масала овозга қўйилган. Биринчиси — «Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки

палатали қилиб сайланишига розимисиз?», иккинчиси — «Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини 5 йилдан 7 йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?». Ҳар икки масала сайловчилар томонидан тасдиқланган.

2023 йил 30 апрель куни ўтказилиши режалаштирилган навбатдаги референдум бюллетенида: «Сиз «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунини қабул қиласизми?» деган савол бўлади.

Маълумот учун, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясида моддалар сони 128 тадан 155 тага, нормалар эса 275 тадан 434 тага ошириляпти — умуман олганда, Конституция 65 фоизга ўзгармоқда. Ўзгаришлар қаторидан Президентлик муддатини 5 йилдан 7 йилга узайтириш, сенаторлар сонини 100 нафардан 65 нафарга камайтириш, Ўзбекистонни ижтимоий давлат деб эълон қилиш, маҳаллий Кенгашлар ва ҳокимларнинг ваколатларини бир-бирдан ажратиш кабилар ўрин олган.

Фойдасига ҳал этилади



Яна шуни алоҳида қайд этиш керакки, давлат билан инсон ўртасидаги ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади, деб белгиланмоқда. Яъни, инсонлар давлат органига мурожаат қилса-ю, бироқ унинг ишига тегишли қонунчиликда қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар бўлганда иш қандай ҳал этилиши керак?

Масалан, давлат ва фуқаро ўртасида қайсидир масалада келишмовчилик юз берди. Агар ушбу масала бўйича қонунчиликда қандайдир ноаниқлик бўлса ёки ишни давлат фойдасига ҳам, фуқаро фойдасига ҳам ҳал қилиш имконияти бор бўлса, албатта фуқаро фойдасига ён босилади.

Мисол учун, Солиқ кодексининг ўзида муайян бир масала юзасидан турлича норма белгиланган бўлиши ёки тадбиркорликка оид битта қонунда бошқа норма, иккинчи қонунда бошқача норма белги-

ланган бўлиши мумкин. Бундай номувофиқликни, табиийки, солиқ органи давлат фойдасига, фуқаро эса ўз фойдасига талқин қилинишини хоҳлайди. Конституцияга киритилаётган норма эса шундай номувофиқликлар давлат эмас, инсон фойдасига ҳал этилади, деган қатъий нормани мустаҳкамламоқда.

Давлат ва фуқаро бир бири олдида масъул бўлмаса кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Фуқаролар ўз мажбуриятларини сидқидилдан бажарса, қудратли давлат барпо этилади, ўз навбатида, давлат мажбуриятларини тўлиқ бажарса аҳоли фаровон яшайди.

Мазкур норма билан, биринчидан, қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш ва уни амалда қўллашда, иккинчидан, давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини ташкил этишда инсон ҳуқуқлари мазмун-моҳиятига устуворлик бериш Конституция даражасида мустаҳкамланмоқда.

Бундан ташқари, Конституция-мизга ҳар қандай вазиятда дастлаб халқни айбдор деб ҳисоблашга оид эскича қарашларни парчалайдиган янги норма киритилмоқда. Яъни эндиликда давлат билан юзага келган қонунчиликдаги зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал қилинади, «ишимни менинг фойдамга ҳал этиб беринглар», деб талаб қилиш имкониятини яратилади.

Ушбу норманинг киритилиши — сўнгги йилларда илгари сурилган инсон қадрини эъозлаш принципларига тўла мос келади. Қонунчиликда ечими топилмаган ҳар қандай масала фуқаро фойдасига ҳал этилиши тарихий қадамдир.

Баҳодир ИСМАИЛОВ,
юридик фанлари доктори,
профессор.



«БУ КУНЛАРНИ 30 ЙИЛ КУТДИК...»

382 НАФАР ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРГА 9,7 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ. 58 НАФАР ФУҚАРО ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА 1,2 МЛРД. СЎМ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Фарғона вилоятидаги аксарият маҳаллада тонглар қизғин бунёдкорлик ишлари билан бошланяпти: вилоят қишлоқ-маҳаллаларининг 374 тасида ички йўллар асфальтлаштирилиб, 229 тасида ичимлик сув ва оқова сув таъминоти бунёд этилаётган бўлса, 47 та ҳудуднинг электр таъминоти яхшиланяпти. Қишлоқ-маҳаллаларнинг аксарияти иқтисодий-ижтимоий аҳволи энг оғир ҳудудлардир.

Давлатимиз раҳбари топшириғи асосида тузилган Республика ишчи гуруҳининг Фарғона вилоятидаги энг оғир-мураккаб ҳудудлардаги фаолияти ҳаётий дастурлар ижросини жадаллаштиряпти. Маҳаллаларда, хонадонларда кечаётган сайёр қабулларда янги-янги тизимли масалалар ечими топилляпти.

Кува туманидаги 29 та маҳаллада бир пайтнинг ўзида 192 км.дан ортиқ йўлларни асфальтлаш ишлари кетяпти. Бу — жорий йилда 38 баравар кўп ички йўллар асфальт қилиняпти, дегани. Биргина «Ақбаробод» маҳалласида 5 км. йўл асфальтлаштиришга гувоҳ бўлиб, аҳоли билан сўзлашар экан-

миз, қуваликлар бир иборани тез-тез тилга олишди: «бу кунларни 30 йил кутдик...».

Этиборлиси, битта тизимли масала ҳал қилиниши — Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган юзлаб-минглаб мурожаатларга ечим топилди, деганидир. Айтайлик, Қуванинг «Намуна» маҳалласидаги 3 км. йўлга бетон қопланаётгани билан ҳудуддаги 2 мингдан зиёд аҳолини ўйлантирган энг асосий муаммо ҳал қилиняпти. Ёки Тошлоқнинг «Тоғлик» ва «Конизар» маҳаллаларидаги 14,2 км. йўллар асфальтлаштирилиши билан қарийб 8 минг нафар аҳолининг узоғи яқин, йўли равон бўляпти.



Бандлик, кредит, субсидия масалаларидаги мурожаатлар ижросига кўра, 382 нафар жисмоний ва юридик шахсларга 9,7 млрд. сўм кредитлар ажратилди. 58 нафар фуқаро оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 1,2 млрд. сўм имтиёзли кредит билан таъминланди.

Марғилоннинг «Янгибоғ» маҳалласида 1,5 км. ичимлик сув ва 700 метр оқова сув тармоғи бунёд этилиши билан ҳудуддаги қарийб 6 минг 250 нафар аҳоли тўлиқ оби ҳаёт билан таъминланади.

Қўштепа туманида эса бу йил 16 та маҳаллада 33,6 км. янги электр тармоғи қуриляпти. Бу 16 та маҳалладаги хонадонлар ҳам, уларда яшаётган минглаб инсонлар қалби ҳам чароғон бўлади, дегани. Ёки биргина «Деҳқонобод» маҳалласидаги 1,4 км. электр тармоғи тортилиши-ю 100 га яқин бетон таянчлар ва янги трансформатор ўрнатилиши билан 200 дан зиёд хонадоннинг электр таъминоти яхшиланади.

Ишчи гуруҳининг Наманган вилоятидаги ўрганишлари ҳам самарали бўлмоқда. Жумладан, ҳудудда аҳоли учун долзарб бўлган йўл, коммуникация тармоқлари, инфратузилмани яхшилаш бўйича аниқ натижаларга эришилмоқда. Мисол учун, ўрганишлар давомида 19,5 км. йўл таъмирланган бўлса, шундан, 17,4 км. йўлга асфальт ётқизилди, 1,5 км. йўллар шағаллаштирилди, 0,6 км. бетонлаштирилди. Жумладан, Тўрақўрғон тумани «Ибрат» маҳалласида 1 км., Чуст тумани «Фовасой» маҳалласида 0,7 км., Норин тумани «Катта яйдоқ» маҳалласида 0,7 км. йўл асфальтлаштирилди.

Электр таъминоти масаласида 2 дона трансформатор пункти, 18 та темир-бетон таянчлар ўрнатилди, 11,4 км. тармоқ тортилмоқда.

Шунингдек, 25,6 км. ичимлик сув тармоғи тортилиб, 1 дона кудуқ ва 4 дона сув минораси қурилиш ишлари бажарилди. Алоқа соҳасида 33,7 км. оптик толали алоқа тармоғи тортилди ҳамда 405 та хонадон интернет хизматлари билан таъминланди. Мобиль алоқа операторлари томонидан 15 та мобил алоқа база станцияларида профилактик-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Бандлик, кредит, субсидия масалаларидаги мурожаатлар ижросига кўра, 382 нафар жисмоний ва юридик шахсларга 9,7 млрд. сўм кредитлар ажратилди. 58 нафар фуқаро оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 1,2 млрд. сўм имтиёзли кредит билан таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, мурожаатлар билан ишлашнинг янги тизими орқали аҳоли муаммоларини ҳал этиш, турмуш шароити ва ҳаёт сифатини янада яхшилашга эришилмоқда.

БИЛАСИЗМИ?

«Ташаббусли бюджет» учун қанча маблағ ажратилади?

Жорий йилда «Ташаббусли бюджет» учун жами 2,0 трлн. сўм маблағ кўзда тутилган бўлиб, шундан 1 трлн. сўми 1-мавсумда ажратилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотига кўра, 2023 йил бошига маҳаллий бюджетларда шаклланган эркин қолдиқ маблағларининг 30 фоизи маҳаллий ҳокимликлар томонидан Фуқаролар ташаббуси жамғармасига йўналтирилади.

«Ташаббусли бюджет» лойиҳаси бўйича жорий йил биринчи мавсуми доирасида таклиф киритиш жараёнлари якунланиб,

ҳозирда туман(шаҳар) ишчи комиссиялари томонидан модерация жараёнлари амалга оширилмоқда.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, шунда 1-мавсум учун Фуқаролар ташаббуси жамғармаларида жами 1,7 трлн. сўм маблағ шаклланиши кўзда тутилмоқда.

Умуман олганда, жамоатчилик билдирган таклифларни молиялашти-

риш учун 2023 йилда бюджетдан жами 8 трлн. сўм маблағлар йўналтирилиши мўлжалланган.

Соҳалар кесимида энг кўп ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш йўналиши бўйича 14,7 мингта лойиҳа илгари сурилган, бу жами лойиҳалар сонига нисбатан 26 фоизни ташкил этади.

Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ.

Мансур АБДУСАТТОРОВ.

«ҚУЁШЛИ МАҲАЛЛА»: ҲАР БИР ХОНАДОН ЧАРОҒОНЛИГИ УЧУН!

ТАНЛОВНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ҒОЛИБИГА БОШ СОВРИН — БАЗАВИЙ ҲИСОБЛАШ МИҚДОРНИНГ 1 200 БАРАВАРИ (360 МИЛЛИОН СЎМ) МИҚДОРИГАЧА БЎЛГАН ҚИЙМАТДАГИ ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон — қуёшли замин. Йилнинг аксарият қисми офтоб нури остида ўтади. Шунга кўра, хонадонлар, давлат ташкилотлари, идоралар, турли ижтимоий муассасаларга қуёш панелларини ўрнатиш бўйича амалга оширилаётган саяёҳ-ҳаракатлар самара бериши тайин. Орамизда бундан ўз уйида тажрибадан ўтказиб, бугун ортиқча электр токини ҳатто давлатга сотаётган юртдошларимиз бор.

ДАВЛАТ ОРТИҚЧА ТОКНИ ҚИЙМАТИГА СОТИБ ОЛАДИ

Мамлакатимизда ўтган қиш мавсуми бошқа йиллардагига нисбатан анча совуқ келди. Бу электр энергияси билан боғлиқ ҳал қилиниши керак бўлган муаммоларни яққол юзага чиқарди. Шу маънода 2023 йил 16 февралда қабул қилинган «2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Президент қарори энергия тақчиллиги қопланишини таъминлашга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди.

Қарорга кўра, **2023 йил 1 апрелдан** умумий қуввати 100 кВт.гача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахслар улар фойдаланишга топширилган пайдан эътиборан **3 йил муддатга** ушбу қурилмалар бўйича мол-мулк солиғи, ер солиғи ва фойда солиғини тўлашдан озод этилади. **2023 йил 1 майдан** фойдаланишга топшириладиган кўп қаватли уйлар томлари бўш қисмининг камида **50 фоизда** қуёш панелларини ўрнатиш талаби жорий қилинади. Республикадаги барча ёқилғи қуйиш шохобчаларида ўз эҳтиёжлари учун электр таъминотининг камида **50 фоизи** қуёш панеллари орқали қопланиши талаб этилади.

2023 йил 1 апрелдан республика ҳудудларида аҳоли хонадонларига кичик қувватли (умумий қуввати 50 кВт.гача) қуёш панелларини ўрнатишни

рағбатлантириш бўйича «Қуёшли хонадон» дастури амалга оширилади. Дастур доирасида аҳоли томонидан қуёш панеллари орқали ишлаб чиқарилган ортиқча электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соатига **1 000 сўмдан субсидия** ажратилади.

Масалан, ҳозирда 5 кишилик оила ойига 400 кВт/соат электр истеъмол қилади ва бунга 118 минг сўм тўлайди. Агар шу оилادا 5 кВт. панель ўрнатилса, ойига 750 кВт./соат энергия ишлаб чиқаради. Ортган 350 кВт./соатини тармоққа сотиб, ойига 350 минг сўм қўшимча даромад олади. Ўзи истеъмол қилган электр энергияси пули ҳам ёнига қолади. Бу йилга бир оила учун камида 5-6 млн. сўм қўшимча даромад дегани.

Субсидия тўловлари жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркибига киритилмайди. Маблағлар «Solis» мобил иловаси орқали кейинги ойнинг 25-санасига қадар фуқароларнинг банк пластик карталарига ўтказиб берилади.

«ҚУЁШЛИ МАҲАЛЛА» ҚАНДАЙ ТАНЛОВ?

Президент қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2023 йил 14 март куни Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойиши қабул қилинди. Унга кўра, «Қуёшли хонадон» дастури асосида мамлакатимиз ҳудудларида **36,6 мингта** аҳоли хонадонларида умумий қуввати **182,1 мВт.** бўлган қуёш панелларини ўрнатиш режалаштирилган.

Шунингдек, дастур доирасида қуёш панелларини ўрнатиш ва ундан фойдаланишни жадаллаштириш, ушбу ишларни

рағбатлантириш мақсадида «Қуёшли маҳалла» танлови ташкил этилади. Танлов шу йил 15 мартдан 1 июнга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, маҳалла (қишлоқ, овул) фуқаролар йиғинлари (танлов иштирокчилари) миқёсида ўтказилади ҳамда 14 та ҳудуднинг ҳар бири бўйича ғолиблар аниқланади.

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан, танлов ғолибларини тақдирлаш Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Бунда танлов комиссияси ҳудудлар кесимида тақдим этилган далолатномаларни танлаб олиш мезонлари асосида саралайди. Танлов иштирокчилари рўйхатини шакллантиради, уларни баҳолайди ва ғолибларни аниқлайди.

«Қуёшли маҳалла» танлови ғолиблари қуйидаги тартибда мукофотланади:

— Республика бўйича бош соврин — базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 200 баравари (360 миллион сўм) миқдоригача бўлган қийматдаги электро-мобиль.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳар бири бўйича:

☑ **1-ўрин учун** — БХМнинг **400 баравари** (120 миллион сўм) миқдоригача бўлган қийматдаги 10 кВт. қувватли қуёш фото-электр тизими ўрнатиб берилади;

☑ **2-ўрин учун** — БХМнинг **200 баравари** (60 миллион сўм) миқдоригача бўлган қийматдаги 5 кВт. қувватли қуёш фото-электр тизими ўрнатиб берилади;

☑ **3-ўрин учун** — БХМнинг **100 баравари** (30 миллион сўм) миқдоригача бўлган қийматдаги 3 кВт. қувватли қуёш фото-электр тизими ўрнатиб берилади.



Умуман олганда, Ўзбекистон шароитида қуёш панеллари яхши натижа бериши тайин. Эндиликда юқоридаги каби рағбатлантиришлар қаторида ускуналар нархини пасайтириш, нархлар ошишининг олдини олиш, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш чораларини кўриш зарурати бор. Шунда айни йўналишдаги ишлар янада жадаллашади, қиш мавсумида бу йилги ҳолатлар такрорланмайди, ҳар ким ўзи учун энергия олишдан манфаатдор бўлади.

С.ИСМАТОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Томорқа ишини орқага ташлаб қўйманг!

Президентимиз Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида ҳудуд иқлимида ерлардан 3 мартагача ҳосил олиш мумкинлиги, аҳолига кўмаклашиб, даромад манбаи яратиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди. Топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ишчи гуруҳи тузилиб, Музрабод тумани аҳолисининг томорқалардан фойдаланиш ҳолати ўрганилди.



Ўрганишлар жараёнида туманнинг «Юртим жамоли» маҳалласидаги Н.Хайиталиев хонадонидан лимон дарахти оралари бўш тургани аниқланди. Ушбу хонадонда бўлган учрашувда маҳалла раисларига ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, аҳоли даромад манбаини ошириш борасида тушунтиришлар ва тегишли тавсиялар берилди. Мазкур томорқанинг бўш турган қисми тезда экин экиш учун тайёрланиб, помидор, ток кўчатлари экилди.

Ишчи гуруҳи туманнинг «Янги ҳаёт» маҳалласида яшовчи, 20 сотих майдондан унумли фойдаланиб, йилига 100 миллион сўмдан ортиқ даромад олаётган Ш. Омонқулов хонадонидан

ҳам бўлди.

— Енг шимариб, ақл билан иш юри-тиш, бебаҳо бойлик саналган томорқадан унумли фойдаланиш лозим, — дейди Шомухаммад ака. — Ҳозир «Олма пиш, оғзимга туш» қабилда кун кечирадиган пайт эмас. Бир парча еримиз бўлса ҳам, унга кўпроқ фойда келтирадиган, мўл ва харидорғир ҳосил берадиган экин экиш зарур. Биз ҳам йилига 2-3 марта ҳосил олиш чораларини кўряпмиз. Деҳқончиликдан ташқари чорвачилик ҳамда паррандачиликни ҳам йўлга қўйганмиз.

Ишчи гуруҳи баҳор мавсуми ўта тиғиз пайт экани, ниҳол қадаш, уруғ сепиш ишларига узоғи билан ўттиз кун ичида улгуриш кераклиги борасида алоҳида тушунтириш берилди.



ИРОДАНИНГ МЕҲНАТИ МУКОФОТГА МУНОСИБ

2022 ЙИЛ ДАВОМИДА 122 НАФАР АЁЛГА 10 ЙИЛЛИК ШАРТНОМА АСОСИДА 10 СОТИХДАН ЕР МАЙДОНИ АЖРАТИЛИБ, БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ

Президентимизнинг 2023 йил 6 мартдаги «8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, ўз жамоасида самарали меҳнати билан намуна бўлаётган, бир гуруҳ фидойи ватандошларимиз мукофотланди. Улар орасида Наманган вилояти Уйчи туманидаги «Зиёкор» маҳалласи хотин-қизлар фаоли Ирода Қаҳҳорова ҳам бор.

Мазкур маҳалладаги 525 та хонадонда 3 000 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бунда умумий аёллар сони 1 336 нафарни, иш билан банд бўлмаганлар 2022 йил 1 январь ҳолатига 151 нафарни ташкил қилди. Маҳаллада хотин-қизлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларига ечим топишда уйма-уй юриб, ўрганишлар олиб борилмоқда. Масалан, 2022 йилда 3-босқич хатлов натижаларига кўра, 60 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га рўйхатга олинган бўлиб, оилавий ҳолатига кўра, 4 тоифага ажратилди.

– Ишга жойлашишга муҳтож эҳтиёжманд 34 нафар хотин-қиз 1-тоифага киритилиб, 26 нафарига 10 йилга 10 сотихдан ер берилди, – дейди И.Қаҳҳорова. – Натижада уларнинг бандлиги таъминланди. Яна 4 нафари 38-сонли МТТга, 4 нафари эса чеварчилик йўналиши бўйича доимий ишга жойлаштирилди. 2-тоифага қайд этилган 7 нафар тадбиркорлик қилиш истиғидида бўлган эҳтиёжманд хотин-қиз ҳудудда ташкил этилган «Фарзона» ўқув марказида пазандачилик ва чеварчилик соҳалари бўйича касб-хунарга ўқитилди. 5 нафари тадбиркорлик соҳалари бўйича ўз бизнесини бошлашди. Икки нафарига субсидия асосида тикув машинаси берилди.

Бундан ташқари, 2022 йил давомида 122 нафар аёлга 10 йиллик шартнома асосида 10 сотихдан ер майдони ажратилди.

Президентнинг 2022 йил 29 июндаги «Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўргатиш ишларини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор асосида маҳалладаги 26 нафар хонадон эгаларига иссиқхоналар қуриб берилиши ҳисобига 50 та иш ўрни яратилди. Эътиборлиси, мана шу янги иш ўринларида 30 нафар аёл бандлиги таъминланди.

2022 йилнинг ўзида маҳалла ҳудудида «Фарзона» ҳамда «Раънохон текстиль» ўқув марказлари ташкил қилиниб, унда 48 нафар аёл 4 хил йўналиш бўйича (пазандачилик, компьютер саводхонлиги, тикувчилик, аёллар сартароши) ўқитилди. Ўз навбатида ҳаётий касб-хунар сирларини ўрганган бу хотин-қизлар мустақил фаолиятларини бошлаб, доимий ишли бўлди. Кекса ва бемор 51 нафар аёлларни хонадонларига бориб, чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил қилинди. Тадбир давомида 120 нафар беморга бепул до-

«
Аждодларимиз «Меҳнат инсонни улуғлайди», деб бежизга айтишмаган. Бугун арзимас меҳнатим давлатимизнинг юксак эътиборига сазовор бўлган экан, мен бундан ғоятда миннатдорман.

ри-дармон берилди.

Ирода Қаҳҳорова фаолияти билан танишиш жараёнида бежизга қаҳрамонимиз давлатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирланмаганига гувоҳ бўлдик. Масалан, 2022 йил давомида маҳаллада аёллар ўртасида бирорта жиноят содир этилмаган, оилавий ажралишлар кузатилмаган. Аксинча, 63 нафар оилани яраштиришга эришилган.

– Менга берилган бу мукофот вилоятдаги барча маҳалла тизими ходимлари, фидойи инсонларга берилган баҳодир, – дейди И.Қаҳҳорова. – Бугунги кунда юртимизда инсон қадрли мамлакатимизда олий кадрият сифатида эъзозланмоқда, улуғланмоқда. Аждодларимиз «Меҳнат инсонни улуғлайди», деб бежизга айтишмаган. Бугун арзимас меҳнатим давлатимизнинг юксак эътиборига сазовор бўлган экан, мен бундан ғоятда миннатдорман.

Биз бу юксак мукофот Ирода Қаҳҳорова фаолиятида янада катта ютуқларга асос бўлишига тилакдошимиз.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Намунали фаолиятга доир машғулот



Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани марказида жойлашган «Истиклол» маҳалласида «бешлик» фаолияти бўйича амалий машғулот ташкил этилди.

Айтиш керакки, раис, хотин-қизлар фаоли, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори бир-бири билан мустаҳкам ҳамкорликда ишлаётгани туфайли ижобий ишлар тобора кўпаймоқда.

– Барча маҳаллалар фаолияти намунали ташкил этилиши керак, – дейди туман ҳокими Ахрорбек Мансуров. – Илкуниятлар етарли, фақат аҳолини жалб қилиш лозим. Бизнинг мақсадимиз шу – одамлар тўқ ва фаровон яшасин. Жорий йилнинг ўзида 3,7 километр йўллар бетонлаштирилди. Маҳалланинг ихтисослашуви боғдорчилик, чорвачи-

лик, хизмат кўрсатишдан иборат. Ўз хунарининг усталари кўни-қўшилларини шогирдликка олиб, ишсизлар сонини камайтиришга ҳисса қўшишяпти. Ёшлар масаласи алоҳида назоратда, жорий йилнинг ўтган даврида жиноятчиликка ҳам, ажралишларга ҳам йўл қўйилмади.

Машғулот якунида иштирокчилар Файзулло Ғофуров, Марғуба Бойбобоева, Муҳаммаджон Ашурматов хонадонларида томорқадан фойдаланиш, кўшимча даромад топиш бўйича тажрибаларни кузатдилар.

Саодат ФАЙЗУЛЛАЕВА.



МАҲАЛЛА «БЕШЛИГИ» БИР МУШТГА АЙЛАНГАНДА...

2022 йилда 145 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди, 33 нафари касб-ҳунарغا ўқитилди. Бундан ташқари, 2 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

Мамлакат тараққиёти, ривожда маҳалланинг ўрни ва мавқеи ортиб бормоқда. Тизимдаги ўзгаришлар, ислохотлар бу борадаги ишлар кўламини сифат жиҳатдан янги bosқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Жумладан, Президент ташаббуси билан фуқаролар йиғинларида фаолият бошлаган «бешлик» юрт тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, ислохотлар «драйвери»га айланиб улгурди.

Андижон вилояти Марҳамат туманидаги «Дурафшон» маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси эришган натижалар мисолида бу фикрларга яна бир бор амин бўлдик. Маҳалла раиси Ҳалимжон Мўминов бошчилигида ҳоким ёрдамчиси Азизжон Холмирзаев тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш борасида самарали ишларни амалга оширмоқда.

— Маҳалламиздаги 544 хонадонда 780 та оила, 2 902 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди **Ҳ.Мўминов**. — Худудимизда 11 та савдо дўкони, 1 та умумий овқатланиш шохобчаси, 2 та сартарошхона, шунингдек, бир қатор тадбиркор ва ҳунармандлар фаолият олиб боради. Бундан ташқари, хонадонларга тегишли жами 60,8 гектар томорқа ер майдони бўлиб, унинг 35 гектаридан самарали фойдаланилмоқда. Унлаб хонадонлар парранда ва чорва ҳайвонлари боқиб билан шуғулланади. Ишсизликнинг олдини олиш, камбағалликни қисқартиришда ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда яна янги лойиҳалар устида ишлаяпмиз. Ўтган йили маҳалламиздаги 145 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди, 33 нафар ишсиз фуқаро касб-ҳунарغا ўқитилди. 2 нафари

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди, шунингдек, норасмий даромадга эга 125 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилувчи сифатида рўйхатдан ўтди. Шу билан бирга, 58 нафар фуқарога кредит, 19 нафарига субсидия ажратилди. Хатлов натижасига кўра, маҳалладаги хонадонлар тўрт тоифага ажратиб олинди. Уларнинг муаммолари ўрганилиб, ҳар бир тоифа билан бевосита ишланмоқда.

Шунингдек, «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига кўра, 2 527 метр маҳалла кўчаси шағалланди, 570 миллион сўмга сув сақлаш қудуғи таъмирланяпти. «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида маҳалламиздаги 13-мактаб таъмири бўйича ғолиб бўлдик. Қолаверса, 850 метр тоза ичимлик суви тармоғи тортилди, Омилкор ва Теракзор кўчаларимизга 1,5 км. тармоқ тортилиб, ичимлик сув олиб келинди.

Маҳалла «драйвери» сифатида деҳқончилик ва иссиқхоналар ташкил этиш белгиланган оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида иссиқхона, хизмат кўрсатиш, паррандачилик ва бошқа йўналишларда кредит

ажратилиши натижасида кўплаб аҳолининг бандлиги таъминланди, оилалар доимий даромад манбаига эга бўлди.

Масалан, Шукрмерган кўчасида яшовчи Қўчқорали Абдурахимовга банкдан 27 миллион сўм кредит олишда кўмаклашилди. Бунинг ҳисобига у томорқасидаги уч сотих майдонда иссиқхона барпо этди. 2022 йил помидор, бодринг, резаворлар етиштириб, яхшигина даромад олди. Жорий йилги режа янада катта бўлиб, камида уч марта ҳосил олмақчи. Табиийки, даромад ҳам шунга яраша бўлиши кутилмоқда. Маҳаллада ўтган йили 66 нафар кам таъминланган, ишсиз фуқарога деҳқончилик қилиш учун 10 сотихдан, жами 6,6 гектар ер майдони ўн йил муддатга ижарага ажратиб берилган бўлса, 3 та оилага 178 бош парранда тарқатилди.

Ўз навбатида ёшлар етакчиси Баҳодир Каримжонов кўмагида ёшлар муаммолари тизимли ҳал этилмоқда. Масалан, Алимардон Нуриддинов яқин кунгача ишсиз эди. Унга деҳқончилик қилиш учун ўн сотих ер майдони ажратиб берилиши бир оилани доимий даромад манбаига эга қилди. «Аёллар дафтари»даги Барно Нишонова, Замира Тўрақулова, Муниса Жума-

боева, Бахтигул Ортиқова, Нодира Тоштановага субсидия асосида тикув машиналари берилди. Улар энди ўз хонадониди тикувчилик билан шуғулланиб, қўшимча даромад топмоқда.

— Жорий йилда ўз олдимга улкан вазифаларни кўйганман, — дейди **ҳоким ёрдамчиси А.Холмирзаев**. — Асосий мақсадим, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, барча ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, аҳолининг доимий даромад манбаини шакллантириш орқали уларнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, муносиб ҳаёт кечиришларига кўмаклашишдир.

Эътиборлиси, маҳалла ҳоким ёрдамчисининг изланувчан, интилувчан ва ташаббускорлиги муносиб баҳоланди. 2022 йил илк бор ўтказилган «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси» танловининг республика bosқичида фахрли учинчи ўринни қўлга киритиб, «Spark» автомобили билан тақдирланди. Бир сўз билан айтганда, барча ҳаракатлар замирида халқ розилигига эришиш, инсонни кадрлаш мақсади ётибди. Маҳалла «бешлиги» бир муштга айланганда эса бу ишларни амалга ошириш янада осонлашмоқда.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Таъмирталаб, чанг кўчалар ўтмишда қолди



Маҳаллалардаги таъмирталаб, қишда лой, ёзда чанг кўчаларни обод қилиш бўйича белгиланган амалий тадбирлар натижасида Ўзбекистон туманидаги «Бешкапа» маҳалласи кўркам қиёфа касб этмоқда.

Айтиш керакки, мазкур ташаббус Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида амалга оширилмоқда.

— Ўзбекистон туманидаги қишлоқ ва маҳаллалар инфратузилмаси билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини

яхшилашга қаратилган манзилли тадбирлар қизғин давом этмоқда, — дейди **«Бешкапа» маҳалласи раиси Муҳаммадиёр Жуманов**. — Хусусан, айни қарор асосида туман аҳолисининг 2 270 нафардан зиёд қисми яшовчи маҳалламиздаги Обод ва Оксув кўчаларининг 1000 метр ички йўлларида асфальт ётқизирилиб, равон ва соз ҳолатга келтирилди. Бунинг учун 420 миллион сўм маблағ сарфланди.

Мухбиримиз.



ОДАМЛАРНИ БИРДАМЛИККА ЧОРЛАЁТГАН ЛОЙИХА

«Йўлларимизни таъмирлаш учун бормаган жойим қолмади ҳисоб. Унисига борсам, «дастурга киритамиз» дейди, бунисига борсам, «шу йил аниқ йўлларингиз таъмирланади» деб қулоққа «лағмон» илишдан бошқа нарса қилишмади

Бугун маҳаллардаги лой қўчалар, эскирган мактаблару боғчалар янгидан бунёд этилиб, фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолганлари қайта таъмирланмоқда. Айниқса, бу борада «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси жорий этилгани ҳудудлардаги муаммоларни бартараф этишда айна мударо бўлмоқда. Чунки лойиҳа одамларнинг бири-бирига бўлган оқибатини мустаҳкамлаш билан бир қаторда ҳудудлар инфратузилмасини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Айтиш керакки, Нурота туманининг чекка ҳудудида жойлашган Алишер Навоий номи маҳаллада «Ташаббусли бюджет» доирасида Ҳамид Олимжон кўчасидаги бир неча йиллардан буён таъмирталаб аҳволга келиб қолган эски йўл асфальт қилиниб, йўл ёқалари ободлаштирилди. Яроқсиз ҳолга келиб қолган симёғочлар йиғиб олиниб, янги бетон устунлар ўрнатилди. Улама-улама бўлиб ётган электр симлари ўрнига электр кабеллари тортилди. Маҳалла фаоллари ташаббуси билан йиғиндаги кўчалар кўрк қиёфага кириб, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

— Йўлларимизни таъмирлаш учун бормаган жойим қолмади ҳисоб, — дейди маҳалла раиси Шокир Ибодов. — Унисига борсам, «дастурга киритамиз» дейди, бунисига борсам, «шу йил аниқ йўлларингиз таъмирланади», деб қулоққа «лағмон» илишдан бошқа нарса қилишмади. «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси бизнинг кўп йиллик орзуларимиз амалга ошишига кўмаклашди. Бу орқали нафақат йўлларимиз равон бўлди, балки одамларнинг бири-бирига бўлган меҳр-оқибати янада мустаҳкамланди, бири-бирига

бўлган ишончи ошди.

Бундан ташқари, ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан ўқиш истагида бўлган хотин-қизлар қизиқишлари бўйича ўқитилиб, ҳаётда ўз йўлини топиб кетишига кўмаклашилди. «Ёшлар дафтари»дагиларга ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиши учун имтиёзли кредитлар олиб берилиб, бандлиги таъминланди. Мисол учун, Нурота кўчасида яшовчи Сирож Тоҳиров 33 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига 10 бош зотдор қўй турларини олиб, чорвачилик билан шуғулланмоқда. Бу билан у йилига 20-24 миллион сўм соф даромад қилмоқда. Ушбу кўчада яшовчи Дилшодбек Неъматов юк ташиш билан шуғулланиш мақсадида имтиёзли 33 миллион сўм кредит эвазига мотороллер олиб, ўзини ўзи банд қилиб, оиласи даромадига қўшимча даромад киритмоқда.

— Маҳалламизда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларимизга имтиёзли кредитлар эвазига ўз бизнесларини йўлга қўйишларига кўмаклашмоқдамиз, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Нурбек Яхёев. — Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида 15 та лойиҳага

170,2 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилиб, 9 нафар ишсиз фуқаро иш билан таъминланди. Уй шароитида тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган 7 нафар хотин-қизга субсидия асосида пишириқ печлари олиб берилди. Ўқиш истагида бўлган 34 нафар фуқаро ўз қизиқишлари бўйича ўқитилиб, доимий иш билан таъминланди. Чорва молларини кўпайтириб, чорвачилик билан шуғулланишлари кўмаклашилди. Ишсиз, моддий таъминотга муҳтож, кам таъминланган 77 нафар киши тумандаги турли цех, ташкилотларга ишга жойлаштирилди. «Ёшлар дафтари»да турувчи ёшларга контракт пуллари тўлаб берилди.

Йиғинда «Аёллар дафтари»даги хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида ижобий ишлар олиб бориляпти. Жумладан, 29 нафар хотин-қиз дафтарга киритилган бўлиб, ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 11 нафар аёлдан 2 нафарига субсидия асосида тикув машиналари берилди, 1 нафарига имтиёзли кредит асосида, 2 нафа-

рига субсидия асосида тикув машиналари тақдим этилди. Натижада улар нафақат ўзларини банд қилиб, даромад топиш билан бир қаторда тикувчилик сирларини ўрганмоқчи бўлган хотин-қизларга касб сирасорларини ўргатиб келмоқда. Мисол учун, Навоий кўчасида яшовчи Гулшан Рустамова 33 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига ўз уйида тикувчиликни йўлга қўйиб, оиласи даромадига қўшимча 150-200 минг даромад киритмоқда. Шунингдек ушбу кўчада яшовчи Мафтуна Солиева ўз уйида каштачиликни йўлга қўйиб, каштачиликнинг сир-асорларини маҳалладаги хотин-қизларга ўргатиб келаётир.

Бир сўз билан айтганда, йиғиндаги одамлар бўш вақтини бесамар ўтказмасликка, касб-хунар ўрганиб, оз бўлса-да, оиласи даромадига ҳисса қўшишга ҳаракат қилишяпти. «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси эса маҳалладаги одамларни янада бирлаштириб, уларни эзгу мақсадлар сари ундамоқда. Маҳалла аҳлининг ҳамжихатлиги туфайли бугун йўллар равон, кўчалар янада файзли бўлиб борапти.

Мансурбек ЖАББОРОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Карманада мевали ва манзарали кўчатлар экиляпти



Кармана туманидаги «Сардоба» маҳалласи ҳудудида «Яшил макон» лойиҳаси доирасида дарахт кўчатлари экилиб, ҳудуд инфратузилмаси яхшиланяпти.

Айтиш керакки, лойиҳа доирасида «Сардоба» маҳалла фуқаролар йиғинида 5 гектар ер майдонига 10 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

— Кўчат экиш, дарахт ўстириш, табиатни асраб-авайлаш халқимизга хос эзгу қадриятлардан биридир, — дейди маҳалла фаоли Раҳмат Холтаев. — Бугун катта-ю кичик бир бўлиб, яхши ниятларда кўчатлар экиб, боғ яратяпмиз. Келажакда бу дарахтлар серҳосил мева бериш баробарида, маҳалламиз кўрқига кўрк қўшиб туради.

Кармана туманида баҳор мавсумида жами 870 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ва қаламчалар экилиши режалаштирилган.

ФАРАНГИЗ ФАҚАТ ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ЭМАС, «ЗУЛФИЯЧИ» ҲАМ БЎЛДИ

ҲУДУДДАГИ ҲАР БИР ЁШ НИМАИКИ МУАММОСИ, ЎЗИНИ ҚИЙНАЁТГАН МАСАЛАСИ БЎЛСА, БИРИНЧИ НАВБАТДА ЁШЛАР ЕТАКЧИСИГА МУРОЖААТ ҚИЛАДИ. АСЛИДА ҲАМ, МАЗКУР ЛАВОЗИМНИ ЖОРИЙ ЭТИШДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД ШУ ЭМАСМИДИ?



Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Президент қарорига кўра, юртимизнинг энг фаол ва истеъдодли қизлари қаторида Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номи маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси Фарангиз Худоёрова Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Албатта, ҳар бир қиз орзу қиладиган бу юксак эътирофга сазовор бўлиш осон эмас. Худди шундай, 6 ёшида отасидан, 13 ёшида онасидан айрилиб, ака-опаларининг қўлида қолган Фарангизнинг бу мукофотга эришгунча босиб ўтган йўли раво кечмаган...

Президент ташаббуси билан 2022 йилдан маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозимининг жорий этилиши жойларда ёшлар билан ишлаш самарадорлигини оширишга жуда катта туртки берди. Фарангиз бу тизим концепцияси билан танишиб, мақсад ва вазифаларни пухта ўрганиб, маҳаллада ишлашга қарор қилди. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Самарқанд филиали томонидан ўтказилган очик танловда қатнашиб, Алишер Навоий номи маҳаллада ёшлар етакчиси бўлди.

— Аввало, маҳалламизда хатлов ўтказиб, ҳар бир йигит-қизнинг орзу-ниятлари, муаммо ва ташвишлари билан қизиқдим, — дейди Фарангиз Худоёрова. — Улар ҳақидаги маълумотлар базасини яратдим. Шу асосида уларнинг ҳар бирига ёрдам беришга ҳаракат қиляпмиз. Хусусан,

21 нафар йигит-қизни «Ёшлар дафтари»га киритиб, уларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ўқиши учун тўлов-шартнома пулини тўлаш, касб-хўнарга ўргатиш ва асбоб-ускуналар олишига кўмаклашдик. «Беш ташаббус» олимпиадасида маҳалламиз ёшлари фаол иштирок этиб келмоқда. Маҳаллада шашка, шахмат, стритбол, стритворкаут, стол теннис, киберспорт, китобхонлик, ҳуқуқий саводхонлик, кувноқлар ва зукколар мусобақаларини ташкил этиб, 600 нафарга яқин ёшларни қамраб олдик.

Қайд этиш керакки, қаҳрамонимиз ёшлар етакчиси сифатида 340 нафар 14-30 ёшгача бўлган ёшлар, 24 минг нафарга яқин талабаларнинг муаммо ва тақлифларини мунтазам ўрганиб, тизимли ечимлар ва тақлифлар киритган. Талабаларнинг ижара уй ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги муаммолари ечимига қаратилган «Суғдиёна» мобил илова лойиҳаси шулар жумласидандир.

Ф.Худоёрова ёшлар етакчилиги билан бир қаторда илм йўлида изланишдан, захматларни енгиб ўтишдан қочмаган. Коллежни битиргач,

кўп вақтини Самарқанд шаҳридаги ёшлар марказида ўтказар, ўқирди, изланарди.

Хотин-қизларнинг ўқиши, илм билан шуғулланиши учун яратилган шaroитлар туфайли у Ёшлар иттифоқи тавсияси бўйича Самарқанд давлат чет тиллар институтига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. Тинимсиз ўқиди, инглиз тили билан бирга, бошқа тилларни ҳам пухта ўзлаштирди. Шижоатли қизнинг бу меҳнатлари бесамар кетмади.

— Ўқишга киргунимга қадар талаба бўлиш энг катта орзуим эди, — дейди Фарангиз Худоёрова. — Бу мақсадга эришгач, талабалик чоғларимда шунга амин бўлдимки, илм жуда чуқур уммон, унинг тубида биз билшимиз, ўрганишимиз керак бўлган кўп сир-синоатлар бор экан. Шунинг учун талабалик вақтимда мутахассислигим бўйича инглиз тили билан бирга немис, хитой, турк тилларини ўргандим. Бир қатор халқаро танловларда, илмий конференцияларда қатнашдим. Озми-кўпми, ютуқларга эришдим. Ўқишни битирганимдан сўнг бу изланишларимни магистратурада давом эттиришга қарор қил-

дим ва айна пайтда биринчи босқичда тахсил оляпман.

Айтиш керакки, бугун Алишер Навоий номи маҳаллада ёшлар етакчиси сая-ҳаракатлари билан йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Ф.Худоёрованинг ташаббуси билан «Инглиз тили», «Ёш журналистлар мактаби», «Ёш лекторлар клуби» ташкил этилди. Шунингдек, у «Самарқанд илмий қизлари» клуби фаолияти йўлга қўйилишида фаол ташаббускорлардан бўлди ва айна чоғда ушбу клуб раҳбари ҳисобланади.

Умуман олганда, етакчилик, илмга интилиш ва ташаббускорлик фазилатларига эга бўлган Фарангиз Худоёрованинг маҳалладаги фаолияти ўрнатқуч бўларли тарзда йўлга қўйилган. Ҳудуддаги ҳар бир ёш нимаики муаммоси, ўзини қийнаётган масаласи бўлса, биринчи навбатда ёшлар етакчисига мурожаат қилади. Демакки, маҳалладаги ёшлар ўз етакчисига ишонади, унинг маслаҳатлари, йўл-йўриқларига қулоқ тутади.



«Янги йўл»да 70 фоиз оила тадбиркор

Аҳолининг муаммолари ўрганилиб, жойида бартароф этилаётгани оддий одамларнинг яшашига бўлган иштиёқи ошиши ва уларнинг фаровон ҳаёт кечиришига замин яратмоқда

Маҳалламиздаги 568 та хонадонда 1 768 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг деярли 70 фоизи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, рўзгорини тебратди. Бунда маҳалла фаоллари уларга имтиёзли кредитлар, субсидиялар олишда кўмакдош бўлиб, оғирини енгил қилишга интилмоқда.

Жорий йилда фуқаролар йиғинимиз «Обод маҳалла» дастурига киритилган бўлиб, эски симёғочлар ўрнига янги бетон устунлар ўрнатиш ва мавжуд трансформаторларни янгисига алмаштириш мақсадида 1 миллиард 200 миллион сўм маблағ ажратилди. Қолаверса, йиғинда мактабгача таълим муассасаси бўлмагани боис 125 ўринли янги болалар боғчаси қурилиши учун 5 миллиард 300 миллион сўм маблағга қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Одамларнинг соғлом ҳаёт кечириши бир томондан ўзларига боғлиқ бўлса, бошқа томондан оқ либос кийган саломатлик посбонларига эҳтиёж сезамиз. Айтиш керакки, шу вақтгача ҳудудда замонавий шароитларга эга шифокорлик пункти йўқ эди. Маҳалладаги «Иродил Мисс» фермер хўжалиги бошлиғи Б.Собиров ҳомийлигида энг сўнгги асбоб-ускуналарга эга бўлган қишлоқ врачлик пунктининг фойдаланишга топширилгани одамларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Юқорида маҳалламиздаги хонадонларнинг деярли 70 фоизи тадбиркорлик билан шуғулланишини айтиб ўтдим. Мисол учун, Янги йўл кўчасида яшовчи Анвар Мусаев ўз

маблағи эвазига маҳалла ҳудудидан тикув цехи очиб, болалар кийимларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Бу билан йиғиндаги ишсиз, ижтимоий кўмакка муҳтож, кам таъминланган, «Аёллар дафтари»даги 14 нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлаб, қўшимча даромад топишига кўмаклашмоқда. Шунингдек, ушбу кўчада яшовчи Ҳамза Ғофуров тозалаш воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Тадбиркоримиз бугун ўз тадбиркорлигини кенгайтиришни кўзлаб турибди. Шу мақсадда маҳаллада бўш турган бинони ижарага олиб, у ерда идиш-товуқларни тозаловчи воситалар, совун, шампунь каби маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқариб, жаҳон бозорига чиқишга киришди. Бу, ўз навбатида, бекор юрган кўплаб хотин-қизларни ва ишсизларни доимий иш билан таъминлаш имконини беради. Албатта, тадбиркор мақсадига етиши учун янада кўпроқ тер тўкмоғи керак. Бу йўлда биз бир четда қараб турмасдан қўлимиздан келгунча ёрдам беряпмиз.

Бундан ташқари, маҳалламизда томорқачилик, тикувчилик йўналишларини ривожлантиришга бўлган эҳтибор сабабли ишсизлар сони камайиб бормоқда. Ўз томорқасидан

унумли фойдаланган ҳолда, иссиқхона қуриб, мўмайгина даромад топаётганлар сони 15 нафарни ташкил этади. Улар нафақат ўз оила аъзоларини, балки ишсиз, моддий кўмакка муҳтож оилаларни ҳам иш билан таъминлаб, ўртача ҳисобда 30-40 миллион сўм миқдорда соф даромад олишяпти. Албатта, иссиқхоначиликда бундан-да кўпроқ даромад қилаётганлар бор. Мисол учун, Тинчлик кўчасида истиқомат қилувчи Турсунали Аралов ўзининг 8 сотихли иссиқхонасида аввал кабачка, сўнг ўрнига помидор маҳсулотларини экиб, йилига 200-250 миллион сўм даромад топяпти.

«Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»дагилар ҳолдан доимий хабар олиниб, моддий ва бошқа турдаги ёрдамлар бериб келинмоқда. Хусусан, «Темир дафтар»да турган ногиронлиги бўлган 1 нафар фуқаронинг уйига субсидия асосида қуёш панеллари ўрнатиб берилди. Яна 3 нафарига «Саховат ва кўмак» жамғармасидан 5 миллион сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўтган йили «Аёллар дафтари»даги 35 нафар хотин-қизнинг муаммолари ўрганилиб, уларнинг барчасига амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож 2

нафар хотин-қизга субсидия асосида иссиқхона қуриб берилиб, оиласи бандлигини таъминладик. Қозиковул кўчасида яшовчи Гулчеҳра Айзбергнова эса 14 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига тикув машиналарини олиб, тикувчилик фаолиятини йўлга қўйди ва 3 нафар маҳалладошимиз бандлигини таъминлади. Улар тикаётган кийимларнинг бозори чаққон. Даромад ҳам шунга яраша бўляпти.

Маҳалламиздаги эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган фуқароларимизга алоҳида эҳтибор берамиз. Масалан, ўтган йили ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 3 нафар аъзосига «Аёллар дафтари» жамғармаси томонидан 12 миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Ногиронлиги бўлган фуқароларга тиббий муолажалар учун 12 миллион сўмдан пул маблағлари берилди.

Умуман олганда, аҳолининг муаммолари ўрганилиб, жойида бартароф этилаётгани оддий одамларнинг яшашига бўлган иштиёқи ошиши ва уларнинг фаровон ҳаёт кечиришига замин яратмоқда.

Йўлдош ХУДОЁРОВ,
Ўрта Чирчиқ туманидаги «Янги йўл»
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«Сайёр қабул айна муддао бўлди»



Аҳоли билан яқиндан мулоқот қилиш, уларнинг муаммоларини тинглаш ва ҳал этиш мақсадида Паркент туманининг «Чашма» ва Бўка туманининг «Янгиҳаёт» маҳаллаларида сайёр қабул бўлиб ўтди.

Қабулларда аҳолининг соғлиқни сақлаш, моддий кўмак, уй-жой ва маиший турмуш муаммолари, коммунал хўжалик, бандлик, тадбиркорлик, кредит олишга доир қатор муаммолари тингланиб, мурожаатларнинг айримлари шу ернинг ўзида ижобий ҳал этиб берилди.

– Қўшимча даромадимиз бўлмагани учун рўзгордан орттириб бўлмаётганди, – дейди «Чашма» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи

Кенжа Тотиева. – Ишсизлар, тадбиркорлигини йўлга қўймоқчи бўлганлар учун маҳалламизда сайёр қабул ташкил этилгани айна муддао бўлди. Чунки ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш учун «Саховат ва кўмак» жамғармаси томонидан 8 миллион сўм маблағ ажратилди.

Қабул давомида ижроси маълум муддат ва қўшимча ўрганиш талаб қиладиган мурожаатлар назоратга олиниши белгиланди.

«АМАЛИЁТ КАТТА ТАЖРИБА МАКТАБИ БЎЛДИ»



Мен Юнусобод туманидаги «Аҳилобод» маҳалласида ҳоким ёрдамчиси сифатида иш фаолиятимни олиб бораётман. Маҳалламизда 7000 нафар фуқаро истиқомат қилади. Айтиш лозимки, ўтган муддатда аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида давлатимиз раҳбарининг ишончли вакили сифатида бир қатор натижаларга эришдим.

Президентимизнинг 2021 йил 3 декабрдаги «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида республикамиздаги барча маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари иш бошлаган эди.

Президентимиз ташаббуси билан ҳоким ёрдамчилари лавозими жорий этилиши маҳаллада истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро ва давлат ўртасида юзма-юз мулоқот ўрнатилиши, уларнинг фикри, муаммолари ва камчиликлари бўйича янада яқиндан танишиш ва тўғридан-тўғри ишлаш имконини яратди. Бугун ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарадорлигини таъминлашда, йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишда уларнинг ҳиссаси сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Мен Юнусобод туманидаги «Аҳилобод» маҳалласида ҳоким ёрдамчиси сифатида иш фаолиятимни олиб бораётман. Маҳалламизда 7000 нафар фуқаро истиқомат қилади. Айтиш лозимки, ўтган муддатда аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида давлатимиз раҳбарининг ишончли вакили сифатида бир қатор натижаларга эришдим.

Ўтган вақт мобайнида 200 нафарга яқин ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Жумла-

дан, 9 нафар фуқарога имтиёзли кредит ажратиш ҳисобига тадбиркорлик субъектлари ташкил қилиниб, 25 та янги иш ўринлари яратилди. Ишлаш истагида, аммо етарли мутахассисликка эга бўлмаган 18 нафар фуқаро касб-хунарга ўқитилиб, бандлиги таъминланди. Уларга субсидия асосида асбоб-ускуналар олиб берилиб, касаначилик бўйича иш фаолияти йўлга қўйилди. 2022 йилнинг ўзида 11 та яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти ташкил этилган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткични 1,5-2 баробарга оширишни режалаштиряпмиз.

Маълумки, 2022 йилнинг 4 август куни Президент Ш.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган кўрсатмага мувофиқ, республика бўйлаб маҳаллалардаги ҳоким

ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаоллари орасидан юқори натижаларга эришган 1000 нафар номзодлар «Салоҳиятли кадрлар захираси»га саралаб олинган эди.

Кувонарлиси, фаолиятим юқори баҳоланиб, мен ҳам танлов асосида Тошкент шаҳридаги салоҳиятли кадрлар захирасига киритилдим. Шу асосида 6-17 февраль кунлари Олмазор тумани ҳокимлигининг инновацион ривожланиш бўлимида амалиёт ўтадим.

Амалиёт давомида Президентимиз томонидан тасдиқланган «2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан тумандаги

инновацион ютуқлар ва режалар билан танишдим. Айтиш керакки, ушбу амалиёт менга катта тажриба мактаби бўлди. Бугун мана шу тажриба асосида маҳалламизда қатор лойиҳаларни амалга оширишни режа қилиб олдим.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, халқимиз турмуш даражаси яхшиланса, камбағалликка барҳам берилса, ҳар бир фуқаро фаровон ва тўқис ҳаёт кечирса, мамлакатимиз ривожланади. Ушбу эзгу мақсад йўлида ҳоким ёрдамчилари зиммасида ҳам улкан масъулият ва ишонч борлиги бизни янада фидокорлик билан ишлашга ундамоқда.

Ғиёс ЭРГАШЕВ,
Юнусобод туманидаги «Аҳилобод» маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Ҳозир «Шўр»нинг аҳволи зўр



Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида Балиқчи тумани маҳаллаларида бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Тумanning 4-сектор ҳудудидаги «Шўр» маҳалласида ички йўлларни асфальтлаш ҳамда ичимлик сув тармоғини таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

— Маҳалламизда амалга оширилаётган ишлардан, ўзгаришлардан аҳоли жуда хурсанд, — дейди маҳалла раиси Носиржон Ғаниев. — Чиндан ҳам йиллар давомида оғриқли муаммо бўлиб келган тоза ичимлик сув ва йўллар билан боғлиқ муаммага ечим топилди. Қарорга асосан, 1 миллиард 200 миллион сўм маблағ ажратилиб, 4,6 километр ички йўллар асфальтланиб, 2 километр сув тармоғи янги-ланмоқда. Шунингдек, 2 та сув минораси таъмирланмоқда. Бу орқали маҳалламизнинг 2000 нафар аҳолиси сув муаммосидан қутилади.

Диёра БАҲОДИРОВА.

«ҚИЯЛИ»ДА ҚИЯ КУЧАЛАР ҚОЛМАЯПТИ...»

АБГОР ҲОЛАТДА БЎЛГАН ИЧКИ ЙЎЛЛАР ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШГА КЕЛДИ. ЖУМЛАДАН, ЧАМАНЗОР, ТУРОН, КУРАМА, БАЛИҚЧИ, ЯХШИЛИК, КАТТА КЎЧАЛАРИНИНГ 4,6 КИЛОМЕТР ҚИСМИ АСФАЛЬТЛАНДИ. АЙРИМЛАРИНИНГ 5 КИЛОМЕТР ҚИСМИ ШАҒАЛЛАНДИ

Президентимизнинг «2022-2026 йилларда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, ўтган йили 413 та маҳалла мутлақо янги қиёфага кирган бўлса, жорий йил бу ишлар янада изчил давом эттирилмоқда. Айтилган 2023 йилги манзилли дастурга кўра, танлаб олинган маҳаллаларда йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.



Фарғона вилоятидаги маҳаллалар дастур асосида обод ва кўркамлашмоқда. Бешариқ туманидаги «Қияли» маҳалла фуқаролар йиғинида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда. Айтилган кўчаларда Яхшилик кўчасидаги 22-мактабгача таълим муассасасига 180 ўринли янги бино қурилди. Бунинг учун 4,3 миллиард сўм маблағ сарфланди. 60-мактабгача таълим ташкилоти 3 миллиард 50 миллион сўм маблағ эвазига тўлиқ реконструк-

ция қилинди. Худуд аҳолиси фарзандлари таълим оладиган 15-мактабда 450 ўринли янги бино барпо этилди, эскилари тўлиқ таъмирланди. Бу учун дастур ҳисобидан 6,5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, худуд инфратузилмасини яхшилаш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган амалий тадбирлар маҳаллада жадаллик билан давом эттирилмоқда. Мисол

учун, бир неча йиллардан бери абгор ҳолатда бўлган ички йўлларимиз замонавий кўринишга келди. Жумладан, Чаманзор, Турон, Курама, Балиқчи, Яхшилик, Катта кўчаларининг 4,6 километр қисми асфальтланди. Чаманзор, Турон, Курама, Балиқчи, Сарқамиш кўчаларининг 5 километр қисми шағалланди. Маҳалламизнинг Катта йўл, Балиқчи, Курама кўчаларининг 3,5 километр масофасидаги электр тармоғи янгиланиши натижасида таъминотдаги

муаммоларга ечим топилди. Бир сўз билан айтганда, Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган «Обод маҳалла» ва «Обод қишлоқ» дастурлари худудларда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, халқ розилигини олиш, юртимизни янада тараққий эттиришга хизмат қилмоқда.

Элмурод УМУРҚУЛОВ,
Бешариқ туманидаги
«Қияли» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Мурожаатларнинг 20 таси жойида ҳал этилди

Жиззах вилоятнинг Дўстлик туманида сайёр қабул бўлиб ўтди.



Тадбирда вилоят Халқ қабулхонаси, секторлар, вилоят корхона, ташкилот, муассаса ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари иштирок этди. Сайёр қабулда аҳолининг мурожаатлари атрофлича ўрганиб чиқилди.

— Умумий ҳисобда бугунги қабулда турли маҳаллалардан келган 35 нафардан зиёд мурожаатчиларнинг

45 та масаласи кўриб чиқилди, — дейди «Санотчилар» маҳалласи раиси Улуғбек Незматов. — Ушбу мурожаатлардан 20 таси жойида ҳал этилди. Қолганлари бўйича ҳуқуқий тўғри шунтириш берилди. Муддат талаб қиладиган масалалар тегишли тартибда назоратга олинди. Тумандаги Қандолатчилик ва ошпазлик ўқув марказига ҳамда шу

фаолият тури билан шуғулланадиган хотин-қизларга электр печи топширилди.

Сайёр қабулда, шунингдек, «Аёллар дафтари» ва «Ешлар дафтари»да рўйхатда турган фуқароларга банклар томонидан кредит сертификатлари топширилди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

БИЛАСИЗМИ?

Бола чет давлатда назоратсиз қолдирилса...

Президент томонидан 2023 йил 15 март санасида имзоланган қонун билан айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган қўшимчага кўра, Ўзбекистон фуқаролигига эга болани ота, она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс ёхуд ҳамроҳлик қилувчи шахс томонидан чет давлат худудида назоратсиз қолдириш — **БҲМнинг 10 бараваридан 50 бараваригача (3 млн. сўмдан 15 млн. сўмгача)** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда кўпи билан **30 кунлик муддат** белгиланиб, суд ушбу

ҳуқуқбузарликни содир этган шахс зиммасига болани чет давлатдан Ўзбекистонга қайтариш ёхуд ҳуқуқбузарликни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш мажбуриятини юклайди.

Шунингдек, Жиноят кодексига киритилган қўшимчага кўра, болани чет давлатда назоратсиз қолдириш, худди шундай хатти-ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса ёхуд боланинг суд томонидан белгиланган муддатда Ўзбекистонга қайтарилгани таъминламаслик — **3 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Ўша қилмиш оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилса, уни содир этган шахс **8 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Ушбу нормалар мазкур Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан 3 ой ўтгач амалга киритилади.

ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШНИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАШАПТИ

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида, хусусан, Тараққиёт стратегияси мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллага алоҳида эътибор берилётгани муҳим аҳамиятга молик. Табиийки, мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий институти сифатида босқичма-босқич такомиллашиб бормоқда.



Мазкур тузилманинг бошқарув тизимидаги кўлами кенгайиб бориши билан ҳуқуқий давлатнинг ўз ваколатларини демократик тамойиллар асосида амалга ошириши учун қулай ва кенг имкониятлар пайдо бўлмоқда. Мисол учун, маҳаллий бюджет даромадининг 10 фоизи бевосита маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга йўналтирилади, маҳалла раиси ва унинг ўринбосарлари ваколатлари кенгайтирилади, маҳалла раисига маҳаллий Кенгашда кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритиш ҳуқуқи берилади, маҳалладаги ишларнинг аҳвол вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар ишини баҳолашнинг бош мезони бўлади, маҳаллада ишлаётган кадрларни давлат идоралари раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тизими йўлга қўйилади ва шу қабили билан белгиланган. Табиийки, мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — тарихий, ижтимоий-демографик, маданий-маънавий ва ҳудудий-маъмурий бирлик сифатидаги мақомга эришди. Шунингдек, маҳаллалар ижтимоий-сиёсий қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштирокини фаоллаштиришнинг муҳим воситаси эканини ҳаётнинг ўзи исботлаб берди.

МАҲАЛЛА — ДЕМОКРАТИЯ БЕШИГИ

Жамият ҳаётининг демократлашиши ва модернизациялашуви маҳалла, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳам четлаб ўтмади. Унинг бошқарувдаги шакл ва мазмуни ўзгариб, давр моҳияти билан уйғунлашиб борди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, маҳалла ҳаётини истиқлол даври билан ўрганганда, уни икки даврга бўлиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. **Биринчи давр** — 1991-2016 йилларни ўз ичига олиб, маҳалла институтининг шаклланиши ва уни ташкилий функционал жиҳатдан такомиллаштириш билан алоқадор жиҳатларни назарда тутди. **Иккинчи давр** — янгиланаётган Ўзбекистон, миллий тикланишдан миллий юксалиш ҳамда Харақатлар ва Тараққиёт стратегияларини ўз ичига олган бўлиб, маҳалланинг нуфузини оширишга қаратилган модернизациялашув, халқпарвар, давлат ҳамда жамиятнинг мустақам таянчига айлантирилиши билан алоқадор ҳодисалар, Учинчи Ренессансни вужудга келтириш билан боғлиқ жараёни вори-сийлигини таъминлаш қафолати эканини таъкидлаш ўринли.

Маълумки, маҳалла борасида олиб борилаётган сиёсат иккита муҳим вазифани ҳал этишни кўзда тутди.

Биринчиси — **маънавий** вазифа бўлиб, у ўзбек халқининг минг йиллик тарихидаги ноёб, энг азиз анъаналарни, қадриятларни қайтадан тиклаш ва ривожлантиришдан иборат. Иккинчиси — **сиёсий вазифа** бўлиб, маҳалла институтини бугунги замон талабларига мувофиқ тарзда тиклаш ва унинг ваколатларини кенгайтиришдан иборат. Шу боис Ўзбекистонда мустақилликнинг илк давриданок, маҳалла институтига катта аҳамият берилди. 1992 йилда Республика «Маҳалла» жамғармаси ташкил этилди, 1993 йилда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур меърий ҳужжатлар орқали маҳалла ўз аҳлининг маънавий, руҳий дунёси, мафкуравий онги ва та-

факкури, инсонларнинг ўзаро алоқалари, оилавий муносабатларини шакллантирувчи, кўни-қўшничилик, куда-андачилик каби муаммо ва масалаларни ҳал этувчи нодавлат ташкилот экани ўз моҳиятини топди.

Халқимизга хос ўзини ўзи бошқарув тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида маънавий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Бунинг ёркини ифодасини «Наврўз», «Рамазон ҳайити», «Қурбон ҳайити» ва шу каби миллий ва диний байрамларни ўтказишда кўриш мумкин.

Маҳаллалар фуқаролар, биринчи навбатда, ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг чинакам таъсирчан ўчоғига айланади. Негаки, халқимизда «Ватан маҳалладан бошланади», «Бир болага етти маҳалла — ота-она» деган юксак маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳикматли иборалар бор. Шу боис маҳаллада ҳар бир оила, ота-она, энг аввало, бола тимсолида шахсни кўриши, унинг учун шахсга тегишли барча ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаши борасида ўзининг масъул эканлигини доимо ҳис этиб туриши ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда 10 минга яқин маҳалла мавжуд. Бугунги кунга келиб, маҳаллалар ўз ҳудудини белгилаш, ўзгартириш, ўз раҳбар органларини сайлаш, комиссиялар таркибини белгилаш, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг маҳалла аҳли ҳузуридаги ҳисобларини тинглаш, маҳалла ҳудудидаги ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, маҳаллада тадбиркорликни, коммунал тўловларни ундириш ва коммунал

хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, муҳтожларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш, фуқароларни қабул қилиш, ишсизлар билан ишлаш ва уларни ишга жойлаштириш каби ўнлаб ваколатларни бажармоқда. Тўғри, бу ваколатлар ҳар бир маҳаллада ҳам тўлалигича ўзлаштирилиб, амалга ошириляпти, деб бўлмайди. Аммо бу билан фуқаролик жамиятига дастлабки қадам қўйилди. Бугун нафақат маҳалла оқсоқоли-ю, унинг фаоллари, балки маҳалла аҳолиси ҳам маҳалланинг фуқаролик жамиятини ташкил қилишдаги асос ва таянч ролини ҳис қилмоқда. Бунга яна шундан сезиш мумкинки, айнан фуқаролар йиғинлари фаолияти туфайли аҳолининг маҳаллий ва бошқарув органларига қиладиган мурожаатлари камайиб бормоқда. Демак, аҳоли билан бошқарув органлари ўртасидаги муносабатларда маълум даражада маҳалла томон бурилиш ясалди.

Агар республикамизнинг турли жойларидаги маҳаллалар фаолияти таҳлил қилинса, уларда ижобий ўзгаришлар, ташаббускорликни сезиш мумкин. Масалан, кўпгина маҳаллалар аҳолига турли хилдаги хизматлар кўрсатувчи ширкатлар тузган. Шу йўл билан топишган даромад ҳисобидан, ҳатто кам таъминланган, кўп болали оилаларга, қаровчиси бўлмаган ёлғиз шахсларга моддий ёрдам бериш йўлга қўйилмоқда, янги иш жойлари ташкил қилинмоқда.

Тараққиёт стратегиясида белгиланган 7 йўналиш ва 100 та мақсад доирасида белгиланган бош мақсаднинг асосий ғояси — инсон кадрини таъминлашдир. Ушбу ҳодиса ва мақсад маҳалла билан бевосита алоқадор, десак муболаға бўлмайди. Стратегия маҳаллалар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Энг муҳими, ҳужжатда белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ўз вақтида ва юксак самарадорлик билан ҳаётга татбиқ этилиши, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, маҳаллаларнинг жойларда халқнинг маслақдоши ва кўмакдошига, таъбир жоиз бўлса, «адолат тарозиси»га айланишини таъминлади.

Яна бир жиҳатга аҳамият қаратиш лозимки, Янги Ўзбекистон тараққиётининг

муҳим йўналиши ҳисобланган маҳаллага эътибор 2022 йилнинг номланиши билан янада долзарб бўлди. «Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла» йилида маҳаллага эътибор янги сифат ва самарадорлик босқичига кўтарилди ва бунга амалга ошириляётган кенг кўламли ислохотлар замирида сезиш мумкин. Хусусан, тизимни ислох этиш йўлидаги харақатлар, амалга оширилган ишлар ва шу кунлардаги ўзгаришлар айнан маҳаллани фуқароларга янада яқинлаштиришга, ҳар бир оиланинг дардига дармон бўлишига имкон яратишга, унинг жозибадорлигини оширишга қаратилганини таъкидлаш жоиз.

ТАЛАБА ЁШЛАР МАҲАЛЛАДА ФАОЛ...

Маҳалланинг ривожланишида ўз ҳиссасини қўшишга азму қарор қилган ёшлар талайгина. Шулардан Тошкент давлат иқтисодий университети талабалари фаолият кўрсатаётганини уларнинг амалий ишларидан кўрсатиб бўлади.

Университет талабаларида ўз юртига садоқат, бағрикенглик, ватанпарварлик ва меҳр-оқибат ҳиссини ривожлантириш, жамиятимиз асоси бўлган маҳалла институтининг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш мақсадида фалсафа фанидан «**Менинг маҳаллам — менинг фахрим**» мавзуида талабаларнинг мустақил ишини ташкил қилиш юзасидан тегишли тавсияларни ўзида қамраб олган қўлланма тайёрланди. Қўлланманинг асосий мақсади — нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий аҳамиятга молик ҳисобланган фарзандларимизни, талаба ёшларни маҳалла ҳаётига, унинг қадриятларига яқинлаштириш ва шу орқали ўзлигини англаши ватанпарварлик, элпарварлик эътиқодини ривожлантиришдир.

Талабалар томонидан мустақил ишни тайёрлашда ўз маҳалласи ҳақида барча маълумотлар шакллантирилади. Жумладан, оиласи, маҳалласи тарихи, бугунги фаолияти, маҳаллада жойлашган тарихий обидалар, бу ерда яшаган атоқли кишилар, ижтимоий тузилмалар ҳақида маълумот олиши лозим. Бу каби маълумотларни тайёрлаш жараёнида талаба ҳар бир борган жойида, албатта, расмга тушиши ва уларни тақдимотга киритиши талаб этилади. Альбом-тақдимот намойиши гуруҳда, маҳалла гузариди ёки маҳалладаги ташкилот, муассасаларда университет ёшлар иттифоқи вакиллари, маҳалла фаоллари, профессор-ўқитувчилар, маънавият маркази, деканат ходимлари иштирок этиши мумкин. Кафедра ва университет томонидан мустақил ишлар кўргазмаси ташкил этилиши ва рағбатлантирилиши мақсадга мувофиқ.

Бу орқали талаба ўз маҳалласи тарихи ва бугунги кунидан хабардор бўлади. Маҳалла тарихини билиши талабада тарихий онгни шакллантириб, эътиқодини мустаҳкамлайди. Эътиқодли ёшларда дахлдорлик ҳисси юқори бўлади. Ўзининг ошени, маҳалласи ва Ватанига бефарқ бўлмайди. «Шу азиз Ватан меники» тушунчасини қадрлашга ўргатади.

Маҳалла ҳақидаги маълумотлар ёшларнинг дунёқарашини бойитиб, тафаккурини тўғри шакллантиради. Қолаверса, жараёнларга тизимли ёндашув каби билимларни амалий ҳаёт билан уйғун ҳолда кўришга ундайди. Маҳалланинг фахри бўлган ва бўлиб келаётган инсонлар тўғрисидаги билимлари ёшларимизга мотивация беради, илҳом бағишлайди, уларнинг қизиқишларини, нимагадир интилишини, нимадандир фахрланиб, эртанги кунга ишонч ҳиссини оширади. Ота-боболари каби билимли ва зукко, эл қорига ярашга мос бўлиб улғайишга ундайди.

Исмоил САИФНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
ТДИУ профессори,
Ваҳоб ҚУЧҚОРОВ,
сиёсий фанлар доктори,
ТДИУ профессори.



«НАВРЎЗ СЕШАНБАДА КИРСА, ШОДЛИК КЎП, ТАОМЛАР МЎЛ БЎЛГАЙ...»

Баҳор юртимизда нафақат табиатнинг уйғониши, ҳаётнинг янгилиниши, борлиқнинг ўзгариши билан боғлиқ жараёнлар сифатида, балки тантаналар, байрамлар, шодиёналарнинг бошланиши тарзида ҳам эътироф этилади. Бу фаслнинг энг нуфузли байрамларидан бири Наврўз ҳисобланади.

Шарқ халқлари янги йил сифатида улуғлайдиган Наврўз мамлакатимизда энг азиз миллий байрам тарзида эъзозланади. Улуғ мутафаккир Умар Хайём «Наврўзнама» асарида бу куннинг пайдо бўлиши ва байрамга айланиши ҳақида хўп ва кўп тўхталган. Яна бир буюк аждодимиз Абу Бакр Муҳаммад ан-Наршахий «Бухоро тарихи» асарида қадимда Наврўз 21 мартда «Наврўзи кишоварзан» («Деҳқонлар Наврўзи») ва ундан беш кун кейин келадиган кунни «Оташпарастлар Наврўзи» тарзида нишонлангани ҳақида сўз юритса, бошқа бир тарихчи Абул Ҳасан Нишопурий «Ҳазоин ул-улум» асарида фойдали маълумотлар ёзиб қолдирган.

Улуғ алломаларимизнинг бу маълумотлари Наврўз байрамнинг ниҳоятда қадимийлиги, унинг байрам сифатида нишонланиб келинаётганига камида 4,5-5 минг йил бўлганидан гувоҳлик беради. Наврўз қайси замон, қандай даврон бўлмасин, кимлар ҳукмронлик қилмасин, барча даврларда улуғ қадрият сифатида улуғлаиб келинган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин, хусусан, кейинги 4-5 йил ичида бу байрамнинг шуқуҳи янада ошди. Ҳар йили байрамни нишонлаш билан боғлиқ равишда

давлатимиз раҳбарининг қарори эълон қилиниши бежиз эмас. Наврўз байрамини республикамизда ҳар йил катта тайёргарлик кўрилади.

Ана шу тайёргарликлар кўлами ва байрамни нишонлаш тадбирлари Президентнинг жорий йил 1 мартда «2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамини тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида тўла аксини топган. Қарорга кўра, байрамни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида – вилоятлар, шаҳарлар, туманлар, қишлоқлар ва овулларда ўтказиш белгиланган.

Байрам шодиёналари учун «Ҳар куннинг Наврўз бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!» деган бош ғоя асос қилиб олинди. Байрам муносабати билан кекса авлод вакиллари ҳар томонлама эъзозлаш, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари, Саховат уйларида яшаётганлар, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари», «Меҳр дафтари»га киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирлари амалга ошириладиган бўлди. Мамлакатимизда бошланган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасида белгиланган тадбирларни уюштириш, Наврўз умум-

халқ байрами арафасида республикамизнинг барча ҳудудларида, ҳар бир кўча, маҳалла, туман ва шаҳарларида ободончилик ва кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ умумхалқ ҳашарларини ўтказиш белгиланди.

Бундан ташқари, қарорда тадбирлар доирасида юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари билан Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга оид урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини, улар ўртасидаги миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни намойиш этиш, жойларда ҳунармандчилик кўргазмалари, кўчма савдо дўконларини, китоб расталарини ташкил қилиш, спортнинг миллий турлари бўйича мусобақалар ўтказиш, кўклам таомларини тайёрлаш ва савдосини йўлга қўйиш, байрам тадбирларини матбуотда кенг ёритиш каби масалалар алоҳида таъкидланди.

Халқимиз Наврўзни ҳаётнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар, янгиликлар, бунёдкорликлар учун йўл очиб берадиган улуғ кун сифатида эътироф этишади. Аждодларимиз янги кун, янги йилни ҳафтанинг қайси вақтида кириб келиши, қай тарзда бошланишини белгилаб, йил давомида содир бўладиган воқеа-ҳодисалар

қандай кечиши хусусида хулосалар ёзиб қолдирган. Улар орасида улуғ аллома Ҳаким ат-Термизийнинг «Солнома» ва «Наврўзнама» тақвимлари энг ишончли манбалар сифатида эъзозланади. Хусусан, «Наврўзнама»да «Агар Наврўзи олам сешанба куни кирса, Марс (Миррих)га тааллуқли бўлмай, Ул йилда шодлик кўп бўлмай ва кундан-кун таомлар мўл бўлмай. Ҳайвонлар учун ҳам маъмурчилик бўлмай. Ул йил экинлар эрта экилса, яхши бўлмай, кеч экилганларига офат теккай ва мевалар кўп бўлмай. Бу йилда неъмат кўп бўлмай ва нархлар арзон бўлмай, гиёҳлар бисёр бўлмай. Бу йилда узум кўп бўлмай. Одамларнинг аҳволи ниҳоятда ҳайрлик кечгай», деб башорат қилади.

Улуғ алломанинг тақвимида келтирилган маълумотлар, башоратлар ҳаётда ҳамма амалий ифодасини топган. Демак, унинг 2023 йилга монанд келадиган юқоридаги башоратлари кириб келаётган Янги йил ва Наврўз юртимизга, бутун башариятга қувонч, қут-барока, мўл-кўлчилик, яхшиликлар олиб келишига умид ва ишонч уйғотади.

Камол МАТЎҚУБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОВ

Ижодий гуруҳ:
Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ

Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-
маърифий газета

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyī» МЧЖ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчам — А3, 4 босма табоқ.
8 500 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-318
Газета таҳририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

